

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУСИҚИЙ
 МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
 ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТУРКИСТОНДАГИ МАДАНИЙ
 ҲАЁТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Асқарова Хуршида Аъзамжон қизи
 Низомий номидаги Тошкент давлат
 педагогика университети эркин изланувчиси
 E-mail:xurshidaaskarova408.com
 Тел...: +998501040668*

Аннотация

Мазкур мақолада бошлангич синф ўқувчиларида маданият ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришда XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаб ижод этган тараққийпарвар аждодларимизнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда мактабларда “усул ул-жадид” ёки “янги усул”ни тадбик қилиш ва ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек , мусика санъатида тутган ўрни хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: Ренессанс, маданият, ижодкорлик, компетенция, Туркистон маданияти, мусиқа, санъат, жадидчилик ҳаракати.

**МЕСТО И ЗНАЧЕНИЕ КУЛЬТУРНОЙ ЖИЗНИ ТУРКЕСТАНА В
 СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ МЕТОДИКИ РАЗВИТИЯ МУЗЫКАЛЬНОЙ
 КУЛЬТУРЫ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ**

Аннотация

В данной статье рассматриваются усилия наших прогрессивных предков, живших и творивших в конце 19- начале 20 веков, по формированию культурно-творческих компетенций у учащихся младших классов, по реформированию сферы образования и внедрению и развитию “усул уль-джадид” или “новый метод” в школах, а также в музыке речь идет о месте, которое она занимает в искусстве.

Ключевые слова: Возрождение, культура, творчество, компетентность, Туркестанская культура, музыка, искусство, движение Жадидов.

THE PLACE AND IMPORTANCE OF THE CULTURAL LIFE OF TURKESTAN IN IMPROVING THE METHODS OF DEVELOPING MUSICAL CULTURE AMONG PRIMARY SCHOOL PUPILS

Annotation

This article examines the efforts of our progressive ancestors, who lived and worked in the late 19th and early 20th centuries, to develop cultural and creative competencies among primary school pupils, to reform the education sector and to introduce and develop “usul ul-jadid” or “new method” in schools, as well as in music, it is about the place it occupies in the arts.

Key words: Renaissance, culture, creativity, competence, Turkestan culture, music, art, Jadid movement.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бир қатор шарқ ва мусулмон мамлакатларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасида теран тарихий илдизларга эга. Юртимиз улкан ижтимоий-сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга ушбу жараёнлардан четда қолмаган ¹.

Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган жадидчилик ҳаракати, адабиёти, санъатининг йирик намоёндаларидан Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чўлпон ва бир қанча маърифатпарвар олимлар миллий театр, мусика санъати равнақи, халқимизни маънавий қашшоқликдан қутқариш, умумхалқ маданиятини юксалтириш йулида фаол иш олиб борган сиймолардандир.

Ўзбекистон худуди қадимдан Шарқ мусиқа маданиятининг шаклланиш бешикларидан бири бўлишига қарамай, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, айниқса тоталитар тузум ҳукмронлиги шароитида мусиқа маданияти ривожланишининг зиддиятли ҳолатларини бошидан ўтказди. Бу даврда Туркистонга Европа маданияти кириб келган бўлса, айни пайтда Европага ҳам Туркистон мусиқа маданияти жавоҳирлари тарқала бошлади.

¹ Мирзиёев Ш.М.. “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига мурожаати. – Т.: ГАЗЕТА.UZ 2023, 11декабр

1905 йилда Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов Москва ва Рига шаҳарларига сафар қилиб, унинг ижросидаги “Илғор”, “Янги Курд”, “Эшвой”, “Сувора” каби 20 дан ортиқ қўшиқлар грамафон пластиналарига ёзиб олинган ва Европалик шарқ мусиқа шинавандаларига тарқатилган эди.

Бухоро шаҳрида Амир ҳофизлари йигини “рикоб” раиси бўлган “Шашмақом” билимдони Ота Жалол Носиров ва Самарқандда унинг шогирди Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов (1855-1936) лар ижод қилган. Уларнинг шарофати билан кейинроқ “Ўзбек мусиқаси”, “Ўзбек ва бошқа Шарқ халқлари мусиқа маданияти ҳақида”, “Тожик мусиқаси”, “Фарғона, Бухоро ва Хива қўшиқлари” каби йирик илмий асарлари дунё юзини кўрди.

Ўтган асрнинг бошларидағи ўзбек тараққийпарвар зиёлиларининг кўзга кўринган вакиллари Фитрат, Чўлпон, Садриддин Айний, Гулом Зафарий, Ҳамза, Мухиддин Қори Ёқубов каби машҳур шоир, ёзувчи, педагог, маърифатпарварларнинг қатор мақола ва рисолаларида уларнинг ўзбек мумтоз мусиқа маданияти, миллий мусиқа меросига муносабатлари ўз ифодасини топган.

Фитратнинг илмий тадқиқотларида Марказий Осиё мусиқа илмининг таркибий тузилиши, фаннинг предмети, усуслари муфассал ёритиб берилган эди. Миллий опера яратиш кўпгина миллий зиёлиларнинг, жумладан Беҳбудийдан сўнг Туркистонлик тараққийпарвар зиёлиларнинг етакчиларидан бири бўлган Фитратнинг улкан орзуси эди. У 1920 йилдаёқ Гулом Зафарийнинг “Ҳалима” асари ҳақида газетада тақриз ёзиб, уни ўзбек “операси”нинг туғилиши билан қутлаган эди. 1935 йилда Фитрат Мухтор Ашрафийга “Восеъ қўзғалони” номли либретто ёзиб берган эди. Биринчи ўзбек операсини ёзишни М.Ашрафий 1934-1935 йилларда Фитратнинг сюжети асосида бошлаб юборган эди. Фитрат қатағон этилганидан сўнг, унинг “Тўлқин”и илк ўзбек операси “Бўрон” учун асосий манбаа бўлиб хизмат қилди.

Бугун Шекспир, Гоголь асарлари ҳам эмас, кўпроқ халқ учун хизмат қиласидирган “Ўзбек халқ театрусини тузмоқ керак”, - деб қатъий фикр

билдирган эди Санжар Сиддиқ. Шундан сўнг, миллий асарлар яратиш масаласи кескин авж олди ва 1924 йил Москвада ташкил этилган ўзбек билим юрти қошида алоҳида студия очилиб, унга рус театр мактабида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар жалб этилган эди. Кўп ўтмай, ўзбек миллий театр санъатини янада ривожлантириш мақсадида студияга Тошкент, Бухоро ва Фарғоналик ёш йигит-қизлар жалб этилади. Студияда Чўлпон Юсуфжон қизиқнинг “Яна уйланаман!” ҳикояси Мейерхольд театри актёри Л.Свердлиннинг илтимосига кўра пьеса ҳолатига келтирилиб илк бор сахна юзини кўради (Асар 1927 йил апрел ойида Москва шаҳрида намойиш этилган ва томошабинлар, соҳа мутахассисларининг олқишига сазовор бўлган). Асар ўзбек турмушидан олинган воқеага асосланиб, ўзбек миллий чолғулар навоси ва иқтидорли ёш ўзбек актёрларининг маҳоратона ижроси билан кўпчиликка манзур бўлади.

Садриддин Айний ўз мақолаларида Ота Жалол, Ота Ғиёс, Қори Камол, Қори Нажм, Миратожон танбурнавоз “Тилланохун” ларнинг ўзбек, тожик мусиқа маданияти тараққиётига қўшган чексиз ҳиссаларини таърифлаб ўтган эди.

Ғулом Зафарий ижодий меросининг асосий қисми ҳам ўзбек миллий мусиқаси ва унинг тарихи тадқиқига бағишлиланади.

“Чигатой гурунги”нинг фаолларидан, “Кўмак” жамияти аъзоси Сайид Али Усмонхўжаев ўзбек миллий мусиқа меросини асраб қолиш масаласини биринчилардан бўлиб илгари сурганди. У ўзининг “Эндинисини қўлдан бермайлик” мақоласида: “Ҳозир Тошкентда Туркистон мусиқасига бутун вужуди билан берилган мусиқа профессори Успенский бор. Бу ўзида бўлган иқтидорини, илм ўқуб етиштирган бутун кучини Туркистон мусиқасига берган. Успенский французлар руҳида мусиқа ёза олатурган мусиқий шоири (композитор) бўлса ҳам Туркистон мусиқийси учун мана шу истеъдодини йўқотди. Мусиқашуносларча айтганда ерга қўмди. Бу киши Туркистон мусиқасини, санойи нафисанинг бошқа бўлакларига ўхшаш гавдалантирар, унинг соясини нота орқали қозг бетларига олар. Демак, буни ҳам ўлмас

битмас қилас. Ул Туркистон оҳангларини нотага олғонда шу қадар эҳтиёт билан оладирки, бундай озорсизлик ёлгиз ошиқларнинг ишидир. Яъни, оҳангларни нотага олганда бузуш, янгиш ёки Оврупо оҳангларига аралаш қилувдан сақланар. Бу оҳангларни ўз аслида, ўз руҳида ёзмоққа тиришадир. Бунинг тиришуви шу қадарки ўзига ўзи ишонмас. Ёзғон асарларини ҳикмат мошиналари билан текшириб кўради. Граммафонга қўйиб эшитадир,— деб бонг урганди².

Ўзбек миллий театр санъати ўтган асрнинг бошларида Туркистонлик жадид зиёлиларининг заҳматли курашлари эвазига дунёга келган эди. Ўзбек мусиқали драма театрларига асос солган устоз санъаткорлар F.Зафарий, Чўлпон, Ш.Хуршид, М.Уйгур, М.Қори Ёқубовлар ҳисобланади.

1938 йил С.Василенко Ўзбекистон ҳукумати томонидан таклиф олгач, биринчи ўзбек операсини яратиш устида иш бошлади, бироқ у на ўзбек тилини, на ўзбек халқ мусиқасини билар эди. М.Ашрафий асосан Тошкентда мусиқа ёзиб, вақти-вақти билан Москвага бориб маслаҳатлашиб турган.

Ўзбек миллий мусиқа меросини ўрганиш ва уни авлодларга безавол етказишида жадид зиёлилари катта ишларни амалга оширганлар. Абдурауф Фитрат, Ғулом Зафарий, Раҳмон Бекжонов, Садриддин Айний, Илҳом Инъомжонов каби жадид тараққийпарварларнинг фидокорона хизматлари эвазига ўзбек мусиқий мероси илк бор илмий тадқиқ ва тарғиб этиш ишлари йўлга қўйилди.

Ўтган асрнинг бошларида ўзбек мусиқа маданияти дарғалари Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Содирхон ҳофиз Бобошарифов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловларнинг ижроларидағи қўшиқлар европалик Шарқ мусиқаси шинавандаларигача етиб борди. Тарихан қисқа даврда ўзбек саҳна санъати ҳам халқимизнинг қадимий мусиқий меросига йўғрилган ҳолда катта ютуқларни қўлга киритди. Ўлкада ўзбек мусиқали театр, миллий опера ва миллий кино санъатларининг пайдо бўлишини ҳам Туркистонлик жадид

² Сайид Али Усмонхўжаев “Эндиғисини қўлдан бермайлик”, Қизил байроқ. 1922, 2 феврал.

тараққийпарварларининг истаклари ҳамда интилишларининг меваси сифатида дунёга келган, десак муболага бўлмайди.

Жадидлар ўқитишнинг эски усулларини янгисига алмаштириш, ёшларга замонавий илмни ўрганишга ва таълим тизимида ўқитишни она тилида олиб борилишига катта эътибор берганлар. Ўқувчиларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини шакллантириш уларнинг асосий концепцияларидан бири бўлган.

Бошланғич синф ўқувчиларини мумтоз мусика мероси билан якиндан таништириш, хаваскорлик тўгараклари, санъат саройларида ташкил этилган халк чолғу асбоблари тўгараклари фаолиятларини кенг ёйиш мусика санъати ва тараккиётини таъминлашга хизмат килади. Мазкур тўгаракларда миллий кадриятимиз, анъаналаримизни, колаверса, кардош халклар санъати ва маданиятини тарғиб қилиш вазифаларини амалга ошириш максадга мувофиқдир. Бунда ёшларнинг ватанпарварлик ва байналминаллик туйғуларини шакллантирамиз ва ўстириб боришимиз жоиз. Жамоа билан ишлаш жараёнида ёшлар ўз-ўзини бошқариш, ўзгалар меҳнатини кадрлаш, бир-бирларига ёрдам қўлини чўзиш каби ижобий фазилатларни ўрганадилар. Улар раҳбар ёрдамида куйларнинг бастакорлари хакида, уша куйнинг ёзилиш услуги хакида маълумот оладилар. Бундан ташкари, ўз ижролари билан тингловчиларга эстетик завк берадилар. Мусика воситалари билан ахлокий тарбиялаш жараёни ўзига хос хусусият, эмоционал таъсири билан кўзга ташланади. Мусика санъатида хам ғоявийлик биринчи ўринда туради. Бизнинг асосий вазифамиз яхши, янгидан-янги етук асарлар билан бошланғич синф ўқувчиларининг мусикий, эстетик-ахлокий фазилатларини бойитиш ва уларни комил инсон килиб тарбиялаш, маданият ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришдан иборат. Бу борада ўзбек халк мусикасининг имкониятлари чексиздир.

Миллатимиз фахри бўлган жадидлар халқни маърифатли қилиш, ғоявий - сиёсий жиҳатдан етук келажакни олдиндан кўрадиган ёшларни тарбиялаш, уларнинг билим саъвиясини кўтариш, фикр доирасини ўстиришни миллий

истиқлолга эришишнинг зарур шартларидан бири, деб тушундилар ва ана шу олижаноб ниятларини амалга ошириш учун тинмай ҳаракат қилдилар. Миллат, халқ, келажак тақдири тўғрисида, миллатнинг истиқболи ҳақида тинмай қайғурдилар, изландилар.

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий фаолиятларини таҳлил қилиб, уларнинг аср бошидаги ғоявий қарашларидан келиб чиқсан ҳолда шуни айтишимиз ўринлики, жадидлар халқни саводсизлик, қулликдан қутқаришга бел боғлаб, шу йўлда ёшлар асосий куч эканлигини тушунганлар, уларнинг онги, саъвиясини ошириш учун қўп саъй-ҳаракат қилганлар. Ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва давлатда муносиб ўрин эгаллашлари учун тегишли имкониятларни яратиш борасидаги фикр-мулоҳазаларни, ғояларни илгари сурганлар.

Хулоса килиб айтганда, улуғ маърифатпарвар боболаримиз ўзларининг яратган асарлари билан мусика санъатининг ривожига сезиларли даражада хисса қўшган. Уларнинг бадиий-эстетик қарашларини, мусиқага муносабатини бир мақола хажмида камраб олиш нихоятда кийин. Бу борада биз халқаро илмий марказлар, дунё олимлари билан ҳамкорлиқда жадидлар фаолиятини янада чуқур ўрганишни долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз. Ушбу ноёб мерос орқали бугунги кунда инсониятни ташвишга солаётган жуда қўп саволларга тўғри жавоб топа оламиз, десак адашмаган бўламиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.

Бошланғич синф ўқувчиларида маданият ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришда, ҳар томонлама баркамол, миллий ва умуминсоний қадриятларга содик инсонлар этиб тарбиялашда жадид боболаримизнинг ақл-заковати, ирова ва матонати ибрат мактаби бўлиб хизмат қиласи, десак муболоға бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига мурожаати. – Т.: ГАЗЕТА.UZ 2023, 11декабр.
2. *Сайиид Али Усмонхўжаев “Эндиғисини қўлдан бермайлик”,* Кизил байроқ. 1922, 2 феврал.
3. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. - Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
4. Байниёзова Г. “Абдулла Авлонийнинг мусиқа санъатида тутган ўрни”. –ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ, 2014.3.
5. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. - Т.: “Маънавият”, 1998.
6. Кавилова Д.А. Олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш.дис., 27бет
7. F.Зафарий. Ўзбек музикаси тўғрисида , Аланга. 1930